

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг (кейинги ўринларда - Агентлик) ҳар бир ходими Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига (кейинги ўринларда - Одоб-ахлоқ қоидалари деб юритилади) сўзсиз риоя этиши, ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалолва самарали бажариши, давлат хизматида суистеъмолликларнинг олдини олиши, ўзининг ишчанлик обрўси, шаъни, кадр-қимматини ва Агентликнинг нуфузини етарли даражада сақлаши муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича эътироф этилган тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар Агентликнинг барча ходимларига нисбатан тадбиқ этилади ва Агентлик ходимлари учун касбий фаолиятда ва хизматдан ташқари вақтда мажбурий одоб-ахлоқ қоидаларини белгилайди.

Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари Агентлик ходимининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини чекламайди.

Агентлик ходимлари одоб-ахлоқининг айрим масалалари мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тартибга солинмаган тақдирда, ходимлар жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқнинг умумий принциплари, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг Агентлик

ходимлари ҳамда Агентликка ўхшаш тузилмалар ходимларининг одоб-ахлоқини тартибга солувчи умум эътироф этилган тамойилларига амал қиладилар.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, Агентлик ходимларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. Агентлик ходимлари Одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилишлари, ишчанлик, шунингдек Агентликнинг обрўсига, кадр-қимматига, нуфузига салбий таъсир кўрсатиши ва путур етказиш ёки унинг қонунийлигига, холислигига, ҳисобдорлигига, очиклигига ва шаффофлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишга мажбурдирлар.

Агентлик ходимлари ўз касбий фаолиятига содиқ бўлиши, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига сўзсиз риоя қилиши ҳамда жамиятдаги юксак мақомига муносиб бўлиши лозим.

Агентлик ходими эркин фикрлаш ҳуқуқини амалга оширишда Агентликнинг обрўси ва нуфузига путур етказмаслиги шарт.

Агентлик ходими жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийлик ва холисликни намоён этиб, бу борада сансоларликка йўл қўймаслиги лозим.

Агентлик ходими доимо Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ва фуқаролар тинчлиги ҳамда тотувлигини, бундан ташқари, мамлакатнинг халқаро майдондаги имижини кўтариш, шунингдек, давлат

ва жамиятнинг ҳаётӣ муҳим манфаатларини таъминлашга қаратилганлигини ёдда тутиши лозим.

4. Агентлик ходимининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги фаолияти устувор бўлиб, у илмий

ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Агентлик ходими жамоат бирлашмаларида ҳақ тўланмайдиган лавозимларни эгаллаб туриши мумкин.

Агентлик ходими коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги ишларни ўрганиш ва умумлаштиришларда қатнашади.

5. Агентликка ишга кираётган шахслар Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар ва унинг талабларига сўзсиз риоя қилиш мажбуриятини зиммаларига оладилар.

6. Агентлик ходимлари қонун ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш Агентлик ходимининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

II. АГЕНТЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТДАГИ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

7. Агентлик ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

холислик;

ҳисобдорлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;
давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;
адолатлилик;
ҳалоллик ва поклик;
манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

Қонунийлик принципи. Агентлик ходимлари фақат қонунга бўйсунганида, ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этишида намоён бўлади.

Холислик принципи. Агентлик ходими ўз мажбуриятларини бирон-бир афзаллик, нохолислик ёки олдиндан пайдо бўлган нотўғри фикрларга таянмай, холислик, мустақиллик ва беғаразликни намоён этиб, фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, қарашлари, шахсий ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, уларнинг барчасига бир хил муносабатда бўлган ҳолда бажариши шарт.

Ҳисобдорлик принципи. Агентлик ходими ўз фаолиятида Агентлик директори ва таркибий тузилма бошлиғи олдида ҳисобдордир.

Фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги принципи. Агентлик ходими ўз фаолиятини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик принципи. Агентлик ходими ҳар қандай вазиятда Ватанга бўлган муҳаббатни сақлаши, ўз фаолиятини амалга оширишда ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни сир сақлаши, ўз хизмат вазифаларини виждонан ва сидқидилдан бажариши ҳамда хизматдан ташқари вақтларда Агентлик ходими эканлигини ошкор этмаслиги лозим.

Давлат ва жамият манфаатларига содиқлик принципи. Агентлик ходими фаолиятини амалга оширишда давлат ва жамият манфаатларини устун қўйиши керак.

Адолатлилик принципи. Агентлик ходими ўз вазифаларини пухта ташкиллаштирган ҳолда, одилона, тезкор ва юқори профессионал даражада бажариши шарт.

Ҳалоллик ва поклик принципи. Бу принцип Агентлик ходимининг ўз вазифаларини лозим даражада бажаришининг зарур шартларидан ҳисобланади. Агентлик ходимининг ҳалоллиги ва поклиги ўзига юклатилган вазифаларни виждонан бажариши, тўғри сўз бўлиши, номақбул ҳаракатлардан ўзини тийиши, бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлишида ифодаланади. Агентлик ходимининг хатти-ҳаракати ва одоб-ахлоқи жамиятда Агентлик ходимларининг ҳалоллиги ва поклигига бўлган ишончни қувватлаб туриши лозим.

Агентлик ходими коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолиятига ўтказилган тазйиқ ва аралашувлар, шунингдек, муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармасликни талаб (ҳақ эвазига) қилинганлиги тўғрисида белгиланган тартибда Агентлик директори ва таркибий тузилма раҳбарига хабар бериши лозим.

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик принципи. Агентлик ходими ўз вазифаларини адо этиш жараёнида шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдан ўзини тийиши ва сақлаши лозим.

8. Агентлик ходимлари қўйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда юқорида келтирилган принципларга қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

Агентлик директори ва таркибий тузилма раҳбарининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирон-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирон-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

норматив-ҳуқуқӣ ҳужжат ва идоравӣ ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоӣ келиб чиқиши, қарашлари, шахсий ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар уларнинг барчасига бир хил муносабатда бўлиш, турли этник, ижтимоӣ гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоӣ барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш,

шунингдек ўз обрўсига ёки Агентликнинг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

Агентликда хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

9. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар Агентлик ходимларининг қонун ҳужжатлари талабларини ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

10. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Агентлик ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирон-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланади.

11. Агентлик ходимлари ўз ташкилий тузилма бошлиғини, ички хавфсизликни таъминлаш бўлими ва Агентлик директорини йигирма тўрт соат ичида ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирон-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек Агентлик ходимлари томонидан содир этилган бошқа ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Агентлик директори ва Агентлик раҳбарлари ходимларни, шахслар қонунчилиқнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

12. Агентлик ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг

ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

13. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрناк бўлиши, давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм, непотизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

14. Агентлик ходимлари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа Агентлик ходимлари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилади.

Агентлик ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Агентлик ходимлари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан

қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда Агентлик ходимларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

III. ХИЗМАТДАН ТАШҚАРИ ВАҚТДА АГЕНТЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

15. Агентлик ходими хизматдан ташқари вақтда қонунда белгиланган чекловлар доирасидан четга чиқадиган ҳамда Агентликнинг обрўси ва нуфузига путур етказилишига олиб келиши мумкин бўлган фаолият билан шуғулланмаслиги лозим.

Агентлик ходими зўравонлик, шафқатсизлик, миллатчилик, сиёсий ва диний руҳдаги митинглар, йиғилишлар, намойишлар шаклидаги оммавий тадбирларда иштирок этмаслиги керак.

Агентлик ходими ташкилот ресурсларидан шахсий мақсадда фойдаланмаслиги ва бошқа ходимларга шахсий ишларини буюрмаслиги лозим.

16. Агентлик ходимларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

Агентлик ходимлари ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.

Агентлик ходими ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

17. Агентлик ходими ҳар қандай ташкилот фойдасига маблағлар йиғишда иштирок этмаслиги, бирон-бир шахсни маблағлар йиғишда иштирок этишга даъват қилмаслиги, шунингдек, ушбу мақсадлар учун ўз обрўсидан фойдаланмаслиги ёки бошқа шахслар ва оила аъзоларининг фойдаланишига йўл қўймаслиги керак.

18. Агентлик ходимининг диний эътиқод ва маросимлар ўтказиши Агентликда ўрнатилган тариб-қоидаларга зид бўлиши мумкин эмас.

19. Агентлик ходими коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, шунингдек бу соҳадаги тизимли таҳлил билан боғлиқ фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва бошқа ташкилотлар, бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат сектор вакиллари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилади. Бунда у мансабдор шахслар томонидан унга таъсир кўрсатилишига, шунингдек, унинг холислиги, мустақиллиги, ҳалоллиги ва поклигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслиги лозим.

20. Турмушда Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш Агентлик ходими одоб-ахлоқининг таркибий қисми ҳисобланади.

Агентлик ходими ўзининг ташқи кўриниши, сипо кийиниши, камтарлиги ва оддийлиги билан бошқаларга ўртак бўлиши лозим. Шунинг билан бирга, Агентлик ходими эътиборни ҳаддан ташқари жалб этадиган даражада кийинмаслиги, тақинчоқ ва бошқа безаклардан фойдаланмаслиги керак.

Агентлик ходими ўз оила аъзолари ва кўл остидаги ходимларининг одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишларини назорат қилиши, бирон-бир шахсга нисбатан Агентлик ходимининг обрўсига зарар етказиши мумкин бўлган кўпол муомалада бўлишига йўл қўймаслиги лозим.

Агентлик ходими ўз оила аъзолари, қариндошлари ва бошқа шахслар томонидан унинг ўз фаолиятини амалга ошириши билан

боғлиқ ҳаракатларига, шунингдек, қарор қабул қилишига таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги шарт.

21. Агентлик ходимининг илмий ва педагогик фаолияти ўзининг касбий вазифаларига зарар етказмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Агентлик ходими оммавий маърузалар ва лекциялар билан чиқиши, мақола ва китоблар ёзиши, илмий анжуман ва конференцияларда, шунингдек, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Агентлик тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларда иштирок этиши мумкин.

Агентлик ходими давлат томонидан молиялаштириладиган ва бошқа тақиқланмаган илмий, амалий, фундаментал лойиҳаларда иштирок этишга ҳақли.

IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

22. Агентлик ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви Агентлик ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Агентлик ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда Агентлик ходимлари ўз ташкилий тузилмаси бошлиғи ва Агентлик директорини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

23. Агентлик ходими лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Агентлик ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши, уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

25. Агентлик ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

26. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари Интизомий комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Интизомий комиссия мавжуд бўлмаган тақдирда, Агентлик ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда бундай комиссия тузилади. Интизомий комиссиянинг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари Агентлик томонидан тасдиқланган Интизомий комиссия тўғрисидаги Низомда белгиланади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини Интизомий комиссия томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айтилган вақтда Агентлик директорининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган ходимни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг

характерини ҳисобга олган ҳолда, Интизомий комиссия Агентлик ходимига нисбатан Одоб - ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги оғоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Агентлик ходимлари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек Агентликнинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.